

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

**“Глобаллашув, инсон онги ва қалби учун
кураш”**

РЕФЕРАТ

Тайёрлади: доц. Г.Машарипова

Тошкент- 2016

Мундарижа:

Кириш

Глобаллашув шароитида инсон онги ва қалби учун кураш.

1.1. Глобаллашув жараёнида цивилизациялараро мулоқот ва унинг инсон онги ва қалбига таъсири.

1.2. XXI аср ёшлари ва уларнинг ҳар қандай ёт ғояларга қарши кураша олиш масъулиятини ошириш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда нафақат Ўзбекистондаги ёшлар онгида маънавий бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий кадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур¹.

Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Шу нуқтаи назардан Ушбу мавзунинг ҳар томонлама ўрганиш энг долзарб муаммолардан биридир.

Биргина сўнги ўн беш йиллик ичида Ўзбекистонимизнинг Мустақил тараққиётини кўра олмаётган ваҳҳобийлар, диний экстремистик гуруҳлар беқарорлик уруғини сепиш, халқимизни ўзи танлаган йўлдан оздириш, жалғитиш учун не-не кучларни ишга солмадилар, ҳар қандай қабих воситалардан фойдаландилар. Шундай экан бундай кучларнинг илдизини йўқотишга мамлакатимизнинг хушёр кучлари астойидил киришганликлари табиий тарихий долзарб заруриятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман”².

Ўзбекистон Республикаси Президенти маънавиятга қарши турли хуружлар ҳақида гапирар экан, таъкидлаб ўтадики: “Бу ҳақда гапирганда, фақат битта миллат ёки халқ ҳақида фикр юритиш масалани ўта тор тушуниш бўлур эди, яъни, бу ўринда сўз фақат бизнинг маънавиятимизга

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 115-бет.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008, 13-14-бетлар

қарши қаратилган тажовузлар ҳақида, азалий фазилатларимиз, миллий қадриятларимизни ана шундай ҳужумлардан асраш хусусидагина бораётгани йўқ. Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир”. Масалага бундай кенг қамровли ёндошув кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Президент И.А.Каримовнинг ўзи ҳам эслаб ўтганидек, бизнинг улуг аждодларимиз барчаси “ўз ижоди билан нафақат икки дарё оралиғидаги халқларни, балки бутун башарият фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашга” даъват этиб келганлар.

Инсоннинг қалби ва онига жо бўлган миллий маънавий-ахлоқий негизлар уни бутун умри давомида ҳалол, пок, билимли, халқ хизматида бўлишга, Ватан равнақи ҳамда тараққиётига ҳисса қўшишга, ўзининг онгли ва эркин мушоҳада қилувчи шахс сифатида камол топишига муттасил равишда ундайди. Президентимиз И.А.Каримов доимо таъкидлаб келганидек: “...Фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларимиз асосида, ўз фикру тафаккури ва замонавий билимга эга бўлган ватанпарвар этиб вояга етказиш – барчамизнинг оталик ва оналик бурчимиздир”¹. Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга ҳозирги замон талаблари даражасида билим ва тарбия бериш, уларни юксак маънавиятли, онги ҳарқандай салбий таъсирларга нисбатан бардошли қилиб вояга етказиш – бугунги кун таълим муассасаларининг асосий вазифасидир, чунки фақат ана шундай инсонларгина келажакда одил жамият пойдеворини ярата оладилар.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “...Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсакгина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт камол топади” деган сўзлари айни шу маънони англатади. Бу эса ҳар биримизнинг фарзандларимиз, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолоти, ғоявий чиниқишига, ҳар ҳил бузғунчи ғоя ва мафкураларга қарши муросасиз курашчи руҳида

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008, 112-бет.

тарбиялашга масъулият билан ёндашишга ундайди. Айнан фарзандларнинг камолоти – эртанги кунда барчамизнинг тинч ҳаётимизни таъминлайди. Бунинг учун уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларга ҳурлик, озодлик, демократик тамойилларга асосланган жамият барпо этиш, эркин фуқаролик жамият асослари ҳақида тушунча бериш барчамизнинг бурчимиздир¹. Ёшлар маънавиятига ёт таҳдидлар ва уларни олдини олиш чора-тадбирларини ўрганиш жуда долзарб муаммолардан биридир.

Мустақил ишининг ўрганилиши. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг деярли ҳар бир маърузасида маънавият масаласига эътибор қаратилади, ҳар бир китобида алоҳида боб ажратилади. Улар биринчи марта алоҳида йиқилиб, 1994 йилда «Истиқлол ва маънавият» номли китоб бўлиб чиққан бўлса, 1997-98 йилларда янада тўлдирилиб, «Маънавий юксалиш йўлида» («На пути духовного Возрождения») номи билан ўзбек ва рус тилларида мукамал шаклда нашр этилди². Айниқса, бу китобдаги «Маънавий мерос қудрати» Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқи), «Халқни Ватан манфаатлари бирлаштиради» (Ёзувчилар билан суҳбат), «Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили» (Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзланган нутқ), «Ватан – ҳамма нарсадан мўътабар» (Мустақилликнинг беш йиллигидаги байрам табриги), «Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши» («Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида), «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» («Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар), «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», (Тарихчи олимлар билан суҳбат) каби суҳбат ва мақолаларида, ундан кейин алоҳида нашр этилган «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда», «Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир», «Фидокор»

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т., Ўзбекистон, 2000, 34-бет

² Каримов И.А. На пути духовного Возрождения. – Ташкент, Узбекистан, 1997.

газетаси мухбири билан суҳбат, «Эғали юрт эркини бермас» (2000 йил август Олий Мажлис сессиясида сўзланган нутқ), “Юксак маънавият – енгилмас куч” каби қатор асарларида маънавият масалаларига оид муҳим фикрлар, янгича ғоялар олға сурилган.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябридаги қўшма мажлисида қилган маърузаси “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” нашр қилинди. Ушбу концепция материалларидан ҳам Мустақил ишини ёзишда ўринли фойдаланилди.

Ваҳхобийлик, диний экстремизм ва фундаментализмга оид масалалар сўнги даврларда тобора юқори даражада ўрганилмоқда. Ваҳхобийлик унинг мазмун моҳияти диний экстремизм ва фундаментализмнинг келиб чиқиши тўғрисидаги масалалар Зухриддин Хусниддинов¹, Мойли Лафасов² ва бошқаларнинг илмий адабиётларида³, рисоаларида, илмий мақолаларида ўрганилган.

Мустақил ишининг мақсади ёшларни маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялашда глобаллашувнинг салбий ва ижобий жиҳатларини талабаларга тушунтириш, глобаллашувнинг Ўзбекистондаги салбий ҳаракатлар ва унинг маънавий ҳаётга таъсири ҳақидаги масала ва муаммоларни тадқиқ этишдан иборат.

Мустақил ишининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Глобаллашув шароитида инсон онги ва қалби учун кураш жараёнларини таҳлил қилиш;
- Глобаллашув жараёнида цивилизациялараро мулоқот ва унинг инсон онги ва қалбига таъсирини ўрганиш ҳамда унга қарши курашиш;

¹ Хусниддинов З.. Ислом ва Мазҳаблар. Воиз ёрдам: Маъруза матни. Т.: “Маънавият”, 2000 йил.

² Лафасов М. Экстремизм, терроризм тарихи ва моҳияти. Т.: “Иқтисод-молия”, 2008 йил.

³ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Т.: “Тошкент ислом университети” 2005 йил

- Ёшлар маънавиятига таҳдид ва улардан ўзини онгли ҳимоя қилиш кўникмалари академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабаларига тушунтириш;

- Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида “Глобаллашув, инсон онги ва қалби учун кураш” мавзусини ўқитишда замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш;

- Юксак маънавият тақомилида фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурияти;

- Мавзу бўйича семинар машғулотини юзасидан бир соатлик дарс ишланмаси;

- Мавзу юзасидан услубий тавсиялар беришдан иборат.

Мустақил ишининг объекти. Президент Ислоҳ Каримовнинг маънавий таҳдидларга оид маърузалари, фикрлари, шунингдек, глобаллашувнинг ижобий ва салбий хусусиятларига оид фикрларини ўрганиш, глобаллашувнинг салбий оқибатларига қарши кураш чора-тадбирларини ёшлар онгига сингдириш, баркамол инсонни тарбиялаш тадқиқотининг объектини ташкил этади.

Мустақил ишининг предмети. Президент Ислоҳ Каримовнинг маърузалари, нутқлари, рисолалари ва глобаллашув тушунчаси билан боғлиқ адабиётлар тадқиқотининг предмети ҳисобланади.

Мустақил ишининг методлари. Таққослаш, индукция, дедукция, қиёсий таҳлил ва тарихий материалларни илмий жиҳатдан ўрганишдан иборат.

Мустақил ишининг тузилиши. Кириш, иккита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Мустақил ишидан тарихчилар, маънавият ва миллий ғоя соҳаси билан шуғулланувчиларга фойдаланиш тавсия этилади.

Глобаллашув шароитида инсон онги ва қалби учун кураш

1.1. Глобаллашув жараёнида цивилизациялараро мулоқот ва унинг инсон онги ва қалбига таъсири

XXI аср инсоният тарихига цивилизациялараро мулоқот асри, техника технология ва ахборот коммуникациялар тизими мисли кўринмаган даражада такомиллашиб боровчи аср сифатида кириб келди.

Айни пайтда дунёдаги ҳодиса ва жараёнларни глобаллашув тенденцияси, мамлакатлар, халқлар ўртасидаги цивилизациялараро ўзаро таъсирни янада кучайишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги вақтда инсоният тарихини цивилизациявий жараёнлар, уларнинг турли кўринишлари ва босқичлари сифатида қараш илмда етакчи ўринни эгаллайди.

Биринчидан, унинг фан тарихида 250 йилдан бери давом этиб келаётган жиддий анъаналари мавжуд;

Иккинчидан, давримизнинг барча мураккабликларини асосий жихатларига кўра цивилизациявийлик ёндашув билан хийла кенг тушунтириш мумкин;¹

Учинчидан, тафаккуримизга, дунёқарашимизга йиллар давомида сингдирилган тараққиётни фармацион босқичдан иборат эканлиги ҳақидаги марксча-ленинча догманинг ижтимоий-гносеологик жиҳатдан асоссизлигини очиб бериш учун ҳам тараққиёт жараёнига цивилизацияли ёндашув муҳим ўрин тутди.

Шуни алоҳида қайд этмоқчимизки биз цивилизация тарихига мухтасар тўхталишни эмас, балки, ёшлар маънавиятини шаклланишида глобаллашув жараёни билан боғлиқ ҳолда цивилизациялараро алоқани таъсирини таҳлил қилишни мақсад қилиб кўйганмиз.

«Цивилизация» атамаси латинча “civilis” сўзидан олинган бўлиб, шаҳар, шаҳар жамоаси, фуқаро, давлат, фуқаровийлик, давлатчиликка оид жуда кўп маъноларни билдиради.

¹ Жўраев Н. Азизов.Ш. “Ижтимоий асослари”. Т.; «Marifat Madadkor», 2003, 128-бет.

Маънавий соҳада цивилизациявий ҳаётнинг қарор топиши энг радикал тарзда бўлиб, инсон руҳиятида мантиқий тафаккурини, унда эса, сифат жиҳатдан янги дунёқарашни келтириб чиқаради. Бу жараён дунё мамлакатлари тараққиёти эволюцияси, унга таъсир қиладиган технологик жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий жараёнларини глобаллашуви билан узвий алоқадорликда кечади. «Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти, унга ҳамқадам бўлиб яшаш ва ишлаш керак. Бунинг учун эса аввало, интеллект ақл-заковат керак»¹.

Глобаллашув жараёнида цивилизациялараро мулоқот ўсиб бораётган бир шароитда ёшлар маънавиятини юксалтиришда замонавийлик билан тарихийликнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш яъни техника, технология, ахборот коммуникациялари ютуқлари асосида ёшлар тафаккурини бойитишнинг аждодлар маънавий мероси неъматларидан ўзаро алоқадорликда фойдаланиш кўникмаларини уларда ҳосил қилиш зарур. Таъсуфки, бугун ёшларимизнинг аксарияти глобаллашув туфайли Европа ва хорижий маънавий-маданий оқимлар таъсирига кўпроқ иштиёқманд бўлиб, миллий маънавиятимизнинг ҳаётбахш юксак ахлоқийликка асосланган тамойилларига ихлосмандлиги суст кечмоқда. Инсон қадри, маъсулияти, ахлоқига беписандлик уларнинг баъзи бирларнинг кийиниши, феъл-атвори, юриш-туришида яққол кўзга ташланиб қолмоқда.

Ўзгаришларга қанчалик қаршилиқ кўрсатилмасин, улар бари бир ҳаётимизга кириб келаверади. Айниқса, глобаллашув жараёнидан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланувчи кучлар бор экан, бу ўзгаришлардаги салбий жиҳатлар ҳам кучайиб боради. Бинобарин, глобаллашув жараёнининг асосий субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари манфаатларига ҳизмат қиладиган бундай саъий-ҳаракатлардан кўзланган мақсад миллий манфаат ва қадриятларга таянган анъанавий тафаккур тарзига

¹ “Янгилаш ва барқарор тараққиёт йўлидан изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий Ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Ўзбекистон овози” газетаси 13 февраль 2007 йил. 19 (27.664)-сони.

зарба бериб, бутун дунёда ғарбона андозаларга асосланган, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий жиҳатдан ягона тамаддун ҳукмронлигини ўрнатишидан иборат. Бундай саъй-ҳаракатларнинг ҳатарли жиҳати шундаки, унинг бошқа тамаддунлар, халқлар ва давлатлар учун қандай оқибатлар келтириб чиқариши, масалан, яқиндагина мустақилликка эришган мамлакатларнинг миллий манфаатлари, анъана ва қадриятларига қай тарзда таъсир этиши мумкинлиги глобал ҳукмронликка интилаётган кучларни у кадар ташвишлантирмайди¹.

Ана шундай глобал таъсирлар халқаро телекоммуникациялар, интернет тизими орқали ёшларимиз маънавиятига салбий таъсир этаётганлиги бугунги кунда исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Кишилар онгли фаолияти табиий тарихий жараён, у кундалик аънавий турмуш фаолиятидан таркиб топмайди, балки онги шуурига таъсир қилувчи восита ва омилларнинг мантиқан изчил ва шаклан хилма-хил ходисалари инъикоси кишилар қалбини жунбушга келтирувчи воқеликларнинг тафаккурида намоён бўлишидир.

Воқеан инсон ҳар доим ўз қалбига қулоқ тутиши, унинг унсиз садосини тинглай билиши ҳаётий заруратга айланади. Кишилар онгли фаолиятининг ганжинаси сифатида маънавият жамият ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутишини яққол ҳис қила боради.

Мана шу нуқтаи назардан олиб қараганда, собиқ шўролар даврида шаклланган ва ҳаётимизга зўрлаб киритилган сохта қадриятларни, қайта баҳолаб маънавий инқирознинг атрибутлари бўлган иккиюзламачилик, мунофиқлик, лаганбардорлик, ошна-оғайничилик, порахўрлик, коррупция, наркобизнес, зўравонлик жамиятимиз ҳамда миллатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига маънавияти ва маданиятига қанчалик салбий таъсир кўрсатганлигини ёшлар онгига хавола қилиш зарурати юзага келади. Умуман инсон ва кишилиқ жамиятининг амалий фаолиятини мутлақо хато, камчиликларсиз, тўғри ва равон йўл сифатида тасаввур қилиш мумкин эмас. Хусусан собиқ

¹ Умаров Б. “Ғарб тамаддуни: инқироз аломатлари”. “Тафаккур” журнали, 2/2007 йил, 16-бет.

иттифок даврида ҳам халқ хўжалигинининг бошқаришдаги, маъмурий буйрукбозлик, бюрократизм, Қонунчиликнинг бузилиши, катли-ом (репрессия) қилиш, давлат бойликларига ваҳшиёна муносабат, ишлаб чиқариш муносабатларини издан чиқиши каби моддий тарздаги бузилишлар юзага келди.

Шунингдек, миллий маънавиятни қашшоқлашишига бевосита таъсир ўтказган ҳодисалардан яна бири бу миллий сиёсатнинг бузилиши эди. Яъни шаклан миллий мазмунан социалистик, ақидапарастлик, миллий маданият ва маънавий ривожининг темир панжараси эди. Бу ҳолат ўз навбатида миллий ҳуқуқни амалда поймол қилиниши ташқи сиёсатда синфий қадриятларни биринчи ўринга қўйиш, умуминсоний қадриятларни эса иккинчи ўринга қўйиш барча фан-техника ютуқларига фақат моддий манфаатдорлик нуқтаи-назаридангина ёндошишга уни маънавий жиҳатларини эътиборга олмасликка олиб келди.

Шу ва шунга ўхшаш бузилишлар жамиятимиз тараққиётига, миллий маънавиятимиз ривожига жуда катта салбий таъсир ўтказади. Жумладан, жамиятимизда ҳамма ҳодисаларни, воқеаларни ва маънавий маданият ютуқларини қанчалик моддий бойлик келтираётганлиги нуқтаи назардан баҳолашга интилиш, бойлик ва пулга тўғривоғи фойдага интилиш инсоннинг маънавий қашшоқланишига олиб келади¹.

Бу ҳол собиқ шўролар ҳукумати таркибида бўлган барча республика халқлари, ҳусусан, бизнинг республикаимиз халқи учун ҳам одатий бир ҳолга айланиб қолган эди. Бир сўз билан айтганда, маънавиятга эътибор шу даражада сусайдики, ёш авлодни умр бўйи тинимсиз тарбиялаб келаётган ўқитувчи меҳнатига нисбатан бирор йил яхшироқ ҳосил кўтарган дехконнинг меҳнатини кўпроқ қадрладик. Натижада, жамиятимиз аъзоларини маънавий жиҳатдан тарбиялаш соҳасида меҳнат қилаётган маданият ходимлари, шунингдек, деярли барча зиёлилар ва бошқа маънавий маданиятни яратувчи кишилар меҳнатини баҳолашда ижтимоий адолат бузилди.

¹ Ф.Темиров., С.Назаров «Жамият ва қадрият». Т.1992 й, 19-бет.

Энг ачинарлиси шундаки, интеллектуал ақл ва қобилият эгалари бўлган зиёлиларни моддий турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масаласига ҳам панжа орасидан қаралди. Маълумки, ҳеч ким мураббий ва ўқитувчидек ўсиб келаётган авлод қалби ва шуурига кучли таъсир кўрсата олмайди. Аммо, уни авлод тарбиясини йўлга қўйишда муаммо бўлган кўплаб объектив сабаблар қийнайди. Аввало, деярли иситилмайдиган эски, талабга жавоб бермайдиган биноларда дарс ўтиш қолаверса, ойлик маошидан келгуси ойлик маошигача амал-такал қилиб яшаш, уч-тўрт йил давомида ўнгиб-ўчиб кетган костюмда ҳар куни ишга келиш каби ҳолатлар унга маънавий-руҳий жиҳатдан таъсир этибгина қолмасдан, уни обрў-эътиборига, эл орасидаги нуфузига, ижтимоий маданиятига ҳам таъсир этади¹.

Зеро, хусусий мулк эгалари, тадбиркорлар билан бир қаторда, худди шу ўқитувчилар, олимлар, маданият ходимлари Ғарбда ва Шарқда ҳам жамиятни иқтисодий жиҳатдан ривожланиши ва сиёсий барқарорликни таъминловчи ўрта табақа сифатида фаолият кўрсатган. Интеллектуал куч бўлган зиёлилар доимо жамиятни демократик ривожланишига асос бўлиб келган, шунинг учун ҳам бу сиёсий асосни мустаҳкамлаш уни маънавий жиҳатдан, ҳам моддий жиҳатдан, ҳам кўллаб-қувватлаш зарур. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, собиқ тузум мафкураси таъсирида ўз халқининг, миллатининг, маданияти тарихини билишига, унинг урф-одатига, санъат ва маданият обидаларига бефарқ қараш, унинг маънавий қимматини тушунмаслик қайфияти жамиятимизнинг кўпчилик аъзолари характерининг асосий хусусиятига айланиб қолган эди.

Бу ҳол маълум даражада жамият аъзоларининг маънавий қашшоқланишига, кишилар ўртасида меҳр-мухаббатнинг кўтарилиб кетишига, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ўзаро иззат-ҳурмат, одамийликнинг барча кўринишлари қадр-қимматнинг тушушига олиб келди.

¹ Р.З.Жумаев. «Политический система республики Узбекистан: постановление и развития». Т, «Фан» 1996, стр-180.

Жамиятимиз аъзоларри маънавий қашшоқланишининг яна бир белгиси шундан иборатки, бир томондан, мавжуд етимхоналар ота-онаси тирик бўлган ҳолатда қаровсиз ташлаб кетилган болалар билан тўлиб кетган бўлса, иккинчи томондан фарзандлари бўла туриб, илиқ сўз ва ғамхўрликка мухтож кексалар, қариялар уйлари тобора тўлдира борди, уларнинг фарзандлари жамиятда яхшигина лавозимларга, етарлича обрў-эътиборга эга бўлса-да, ўз ота-оналарига, қариндош-уруғларига ғамхўрлик қилишни эп кўрмаётганлиги ғоят ачинарлидир.

Маънавиятимиз мезонларини бузилиши ва қадрсизланишининг асосий сабабларидан бири фикримизча ўзлигимизни том маънода англаб етмасликда деб биламиз. Чунки, собиқ шўролар тузуми даврида бунга имкон ҳам берилмаган эди. Ҳақиқий том маънодаги инсон бу ўзлигини англаган инсондир.

Ўзликни англаш миллий маънавиятни такомиллаштиришнинг ҳам асосидир. Бинобарин, маънавий қашшоқ мамлакат ҳеч қачон буюк бўлолмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш, юқори иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлиш, ривожланган мамлакатга айланиш учун юксак маънавият сув ва ҳаводек зарурдир.

Узоқ йиллар ўзининг маънавий дунёсидан маҳрум қилинган, ёзувчи таъбири билан айтганда, манқуртлик даражасига тушириб қўйилган халқимиз истиқлол туфайли бой маънавиятимиз илдизларидан баҳраманд бўла бошлади.

Бироқ, истиқлол жамиятда бир гуруҳ катта-кичик лавозимларидаги раҳбарлар, олимлар, шоиру-ёзувчилар, санъаткорларнинг баркамоллиги билан кифояланиб қолмайди¹.

Бундай ҳолларда белгиланган вазифаларни аниқ бажариб бўлмайди. Бу ҳусусда шўро йилларидан «орттирилган» аччиқ тажрибамиз бор. Аммо, ҳозир баъзида кўзга ташланиб келаётган биз илгари ишониб келган

¹ Ўзбекистон мустақаллигининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиш масалалари халқаро илмий-амалий конференция маърузалари. 1997 йил, 18-20 ноябрь, Самарканд, 126-бет.

фалсафадаги илмий, ҳолис методологик асослар, дунёқараш принциплари мезонларидан бутунлай юз ўгириш, уларни ҳеч бир асоссиз ҳолда менсимаслик «касалини» четлаб ўта олиши зарур. Чунки, маънавий ҳаёт асосан жамият моддий ҳаётини акс эттиради, шахс эса ижтимоийликнинг жамиятнинг махсулидир, маънавият ижтимоий борлиқ тараққиётининг инъикоси сифатида вужудга келиб, унга фаол тасир қилувчи, баъзан, ҳатто ҳал қилувчи таъсир кўрсата оладиган омил, воқеликдан ўзиб кетишдек эвристик хусусиятга эга. Ана шу муаммога фундаментал илмий-ҳолис ёндашиш усуллари ижодий ва танқидий қўллаш давр тақазосидир.

Зотан, жамият ўзининг чексиз маънавий имкониятлари, омилларини ҳаракатга келтириб, уни янада ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Бу истиқлолнинг ижтимоий табиати, сифати қонуний вазифасидир. Чунки, истиқлол ўз жамиятининг, кишиларнинг маънавий маданиятига бефарқ бўлолмайди, маънавий бефарқлик мустамлакачиликка ҳос чунки, у ўз мустамлакасининг маънавий саёзлигидан ҳар томонлама манфаатдордир. Шунинг учун ҳам ажойиб адиб, ёшларнинг меҳрибон мураббийси, профессор Гайбуллоҳ Ас-Салом бекорга куйиниб «Маънавий асоратнинг юз йиллик роҳат-фароғатидан кўра, бир лахзалик озодлик гашти-машаққати минг чандон тотлироқ мен учун»¹ - деганда нақадар ҳақли эди.

Албатта, мустақилликнинг таянчини кўп жиҳатдан ҳар томонлама етук, қомил, ватанпарвар инсонлар ташкил қилади. Демак, инсонларнинг ўзлари жамиятнинг маданий-маънавий бойликларидан тўлиқ мақсадга мувофиқ фойдаланиб, ўзларининг маънавий ўсишларини таъминлаб боришлари зарур.

Бироқ, кузатишларга кўра ҳамма ҳам маънавий бойликларни қамолоти тўғрисида доимо ғамхўрлик қиладилар деб бўлмайди.

Айрим кишилар моддий бойликларни маънавий фазилатлардан устун қўядилар, натижада бундай кишиларнинг фаолиятида, турмушда маънавиятнинг катта-кичик нуқсонлари пайдо бўлади. Бунинг асосий сабаби,

¹ Гайбуллоҳ Ас-Салом. «Толибнома». «Шарқ» нашриёти матбаа концернининг бош таҳрияти. Т, 1997 й, 133-бет.

маънавий омиллар ҳар доим кўзга яққол ташланавермаслиги, у улкан потенциалга эга бўлишига қарамасдан барча кишиларни ҳам ўзига жалб қилавермаслиги натижада эса унинг дарҳол амалда намоён бўлмаслигидадир. Маънавиятга фақат маданий, тарбиявий, ахлоқий, эстетик, диний кадриятларнинг мажмуаси деб қарашимизнинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки, унда улкан иқтисодий, ҳўжалик, фан-техника каби мазмундаги омиллар ҳам мужассамлашган. Маънавиятнинг бундай универсал имконияти ва Қонуниятларини хусусан, ҳозирги тадбиркорлар, мулкдорлар, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари яхши билишлари керак.

Маънавий жиҳатдан камол топмаган ишчи, деҳқон, кўп ва сифатли маҳсулот беролмайди, ўқитувчи, врач, муҳандис, раҳбар ва ҳоказолар ўз вазифасини юқори маъсулият билан Ватанга фойдали даражасида англаб олмайдилар.

“Маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти тарихий бурилиш давларида айниқса бекиёс бўлади»¹.

Дарҳақиқат, биз тарихнинг айни бурилиш даврида яшамоқдамиз. Ана шу бурилиш нуқтасининг ўзиёқ тафаккуримизни, дунёқарашимизни ўзгартиришни тақазо этмоқда.

Зотан, маънавият асло мавҳум нарсаси эмас. Аҳли башар маънавиятсиз бўлмайди, чунки, аслида инсоннинг ўзи маданият ва маънавиятнинг бирлигидир, ҳолос. Унда табиий физиологик эҳтиёжлар бор ва маънавий дунё бор. Ҳар бир шахс, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ёки тоифа, ҳар бир элат ва минтақа халқларининг ўз маънавияти бор. Бу маънавий дунё замон ва маконда ўзгариб гоҳ камолот сари юксалиб, гоҳ қашшоқлашиб туради.

Халқимиз миллий мустақилликка эришиш арафасида маънавият бобида шундай таназзулга келиб қолган эдики, иймон-эътиқод, андиша, ор-номус, шарми-хаё, орият, диёнат, тақво, аждодлар руҳини ёдлаш ва қадрлаш, инсоф каби тушунчаларни унита бошлаган эдик. Руҳий ва диний тарбия, миллий онг, миллий ғурур, миллий мафкура, тарихий Ватан, Ватан туйғуси, Ватан

¹ Имомназаров М. «Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари» Т, 1996 й, 6-бет.

соғинчи, Ватан қайғуси сингари ибораларни тилга олиш мумкин эмас эди. Шўролар замонида Ўзбекистонга нисбатан мамлакат ибораси бирор марта ҳам ишлатилмаган. Ўша йиллари ғоят машҳур бўлган «менинг адресим на кўча ва на уй, менинг адресим Совет Иттифокидир» деган ҳавоий кўшиқ замирида жуда маккарона-сиёсат мужассам бўлиб, у кишиларни беватанликка тарғиб қилар, она юрт, миллий замин, тушунчаларини онг-юрақлардан бадарға этишга қаратилган эди.

Ана шундай режали ва пинҳоний сиёсат натижасида тилимиз хонадон тилига, халқимиз аҳолига айланиб борарди.

Ваҳоланки тил давлат микёсида қўлланилсагина миллий тил бўлиб қолади, равнақ топади. Бинобарин, ҳар бир сўз, ҳар бир ибора қандай маъно англатилишини билсаккина, унинг моҳиятига ета оламиз.

Тилда миллатнинг бутун тарихи, унинг барча маънавий бойлик ва хусусиятлари акс этади. Тил ривожланса, миллат равнақ топади. Ўз навбатида тил қадим-қадимдан миллий маданиятнинг ойнаси бўлиб келган. Шунинг учун ҳам халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ҳаммадан олдин жамият маданиятини юксалтириш зарур, фақат маданиятли жамиятгина барча фуқаролар учун эркин фаолият муҳитини ярата олади. Шундай экан, маънавиятни яхшиламоқ, бойитмоқ ва ривожлантирмоқ учун жамиятнинг барча ижтимоий-иқтисодий ва маданий-эстетик жабҳаларини бир-бири билан чамбарчас боғлаш зарур.

Жамият маънавиятини юксалтириш ва мустаҳкамлашга меҳнат ва маблағни аямаслик керак. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатининг ютуқлари ҳар бир оилага етиб боришини йўлга қўйиш, мана шу мақсадда оилани моддий таъминланганлик даражасини ошириш билан бир қаторда, ҳар бир оила аъзосини маънавий камолоти учун ҳам қулай шароит яратиш зарур. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик беришга алоҳида эътибор бериш, уларга ҳар томонлама имкон яратиш каби масалалар бизнинг республикамизда ечилган. Президентимиз ташаббуси билан

маънавият ва маърифатни ривожлантиришга қаратилган 1996 йил 9 сентябрдаги ва бошқа Қарорлар катта аҳамиятга молик.

Чунки, мустақилликни устуни олим, ижодкор зиёли ва малакали ишбилармонлар эканлигини унутмаслик керак. Дарҳақиқат худди шу зиёлилар маънавиятнинг беқиёс мўжизасини кишилар онги ва шуурига сингдиради, маънавият макон этган ҳар қандай юрак фақат эзгуликка интилиб яшайди. Мустақилликнинг маънавий қадрияти, тарихий қиймати худди ана шу мезон билан ўлчансагина, янада бойиб боради. Маънавий камолот суръатларини тезлаштириш учун таълим ва тарбияни тўғри йўлга қўйиш муҳимдир. Мирзо Бедил айтганидек: «Агар меъмор дастлабки ғиштни тўғри қўймаса, девор юлдузга етса ҳам қийшиқ бўлиб қолаверади», Бедилнинг бу фикри бугунги кунда таълим-тарбия ишларида аҳамияти катта. Бинобарин Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонунни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ни қабул қилганлиги ва уни ҳаётга тадбиқ этилаётгани ёш авлод тарбияси ва истиқболи учун ғоят катта аҳамият касб этмоқда. Президент Каримов И.А. 2007 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишдаги маърузасида фахр билан Миллий Дастур хосиласи сифатида кейинги ўн йилда ЎМКХТ (Ўрта махсус касб-хунар таълими) тизимида 600 мингдан зиёд ўрта-махсус билимга, хунарга эга бўлган, маънавий камол топган ёш мутахассислар тайёрланганлигини¹ таъкидлаб ўтди.

Бугун мана шу дастурни бутун дунё эътироф этаётганини, ушбу таълим муассасаларини битирган минг-минглаб ёшларимиз нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам муваффақиятли ишлаётганини мамнуният билан қайд этди.

¹ Бекмуродов А.Ш., Ғофуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. Тошкент – 2007, 12-бет.

Эришилган натижалар замирида таълим тизимидаги ислохотларни жамиятимиз кишилари, айниқса ёшларимизнинг маънавияти-маърифатини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар билан ўзаро уйғунлик турганлиги ҳеч кимга сир эмас.

1.2. XXI аср ёшлари ва уларнинг ҳар қандай ёт ғояларга қарши кураша олиш масъулиятини ошириш

XX асрда дунёда ғоявий карама-қаршиликлар кескин ва мураккаб тус олган давр бўлди. XX аср сўнгида икки қутбли дунёнинг барҳам топиши, нисбий мувозанатнинг бузилиши натижасида жаҳондаги мафкуравий манзаралар тубдан ўзгарди. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «XX аср охирида дунёда жўғрофий-сиёсий аҳамияти ва кўлами жиҳатидан ноёб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришлар бетакрор. Улар нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда вужудга келган қарашлар ва уларнинг механизмларини чуқур ўйлаб кўришни, балки кўп жиҳатдан қайта баҳолашни ҳам талаб қилади. «Совуқ уруш» даврида халқаро муносабатларга асос бўлган кўп қоидалар, тамойиллар ва ғояларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинмоқда. Бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда, унда ўзи - ўзидан қаноатланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ. Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда»¹.

Инсоният тарихи – XXI асрга қадам қўйди. XX аср тарих бисотидан ўрин олди. Мантиқан инсоният ўтмишдан тегишли сабоқлар чиқариши ва XXI асрда тарих варақларига хижолатлик билан битиладиган воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлишига йўл қўймаслиги керак эди. Қашшоқлик, экологик муаммолар, захиралар тақчилиги, оммавий касалликлар, диний ақидапарастлик ва терроризм XX асрдан XXI асрга мерос бўлиб ўтди.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида. Т.: 6. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 240-241 - бетлар.

Устига-устак, айрим кучларнинг уринишлари натижаси ўлароқ, хавф-хатарлар рўйхати янгилари ҳисобига янада кенгайди. Демографик инқироз, демократия экспорти, маънавий қашшоқлашув, ахборот урушлари, ғарбона турмуш тарзини тикиштириш каби хавф-хатарлар шундоқ ҳам безовта дунёнинг ташвишларини кўпайтирди. Одамзоднинг мавжуд иллатларга қарши кураши қайсидир жиҳатдан афсоналарда тасвирланадиган кўп бошли аждар билан олишувни эслатади. Аждарнинг битта боши танасидан жудо қилиниши заҳоти, шу жойдан икки-уста бош ўсиб чиқиши бу маҳлуқ билан курашиш нақадар машаққатли эканини кўрсатади.

Глобаллашувнинг салбий оқибатларига албатта ўз вақтида кураш олиб бориш лозим. Ёшларда дунёдаги мафкуравий манзарасини ва глобаллашув жараёнларини теран англаш ва бу борада зарур кўникмалар ҳосил қилиб бормоқ лозим. Бунинг учун биз юқорида баён этганимиздек, ислом экстремизми ва ақидапарастлигига кескин кураш олиб бормоқ учун сиёсий, ҳуқуқий, маънавий билимларимизни чуқурлаштиришимиз лозим. Глобаллашув ҳақиқатда инсоннинг нафақат моддий ҳаёт тарзига, шу билан бирга маънавияти, руҳий оламига ҳам сезиларли таъсир ўтказмоқда. Ҳар куни виртуал маконда бир неча миллиондан зиёд ахборот ресурсларининг пайдо бўлиши, унинг ҳосили ҳар дақиқа сайин ўсиб бораётганидан далолат беради. Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг инсоният маданиятига туғдираётган хавф-хатарлари тўғрисида сўз юритишга тўғри келади. Бу ноҳуш ғайриинсоний ҳолатлар муайян кучларнинг глобал тармоқнинг ахборотларни сифатли ва тез узатиш ҳамда тарқатиш бўйича имкониятлардан фойдаланиш орқали жамоатчилик фикрини тўғри йўлдан буриш, ўзлари тарғиб этаётган нопок ғоя ва манфаатлар томон йўналтириш учун уларга ахборот етказиш борасида олиб бораётган ҳаракатлари билан боғлиқдир. Сўзсиз, бундай таъсирга интернет аудиториясининг энг фаол, энг кўп қисми тафаккури етилиб, дунёқараши пухта шаклланиб улгурмаган ёшлар берилувчидир.

Таассуфки, ана шундай жиддий муаммони мукамал ва тизимли ўрганишга етарли эътибор берилмаяпти. Глобаллашувнинг миллий маънавиятимиз, анъана ва маросимларимиз, ёшларимиз тарбиясига ўтказаетган таъсирини ўрганишга эса ҳали киришилганича йўқ. Бу соҳадаги хулосалар «Сериаллар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир ўтказмоқда», «Уятсиз эпизодларни телевиденияда кўрсатмаслик керак», деган умумий гапдан нарига ўтмаяпти. Ғарб мамлакатлари телевидениесигина эмас, атрофимиздаги баъзи мамлакатлар телевидениесида ҳам кўрсатилаётган ёки Ғарбдан трансляция қилинаётган дастурларга солиштирсак, телевидениемиздаги ўта беҳаё деб аталаётган кўрсатувлар жуда беозор ва рисоладаги кўринади. Бу ҳолат ўта беҳаё дейилаётган кўрсатувларнинг янги тўлқинини кутишимиз кераклигини англатади. Маънавий глобаллашув хориждан фақатгина ўшандай беҳаё томошаларнинг кириб келишини билдирадими? Бу саволга жавоб топишимиз учун маънавият соҳасидаги глобаллашувнинг тарихига ва моҳиятига назар ташлашимиз лозим¹.

Глобаллашув турли минтақадаги мамлакатларнинг ўзаро таъсири кучайиши жараёни экан, унда иқтисодий ва маънавий таъсир кўпинча биргаликда кечиши кузатилади. Фақатгина, айрим ҳолларда улар нисбатан мустақил тарзда кечади. Глобаллашув тарихига қарасак, қадим замонларда ҳам иқтисодий ва маънавий таъсирлар ёнма-ён кечганлигини кузатамиз. Масалан, ўрта асрларда юртимиз Буюк Ипак йўлини марказида бўлганлиги сабабли ҳам Ғарбнинг, ҳам Шарқнинг таъсирида бўлган. Ғарбдан Шарққа бораётган, Шарқдан Ғарбга борган савдогарлар ҳам юртимиз орқали ўтган.

Савдо моллари билан бирга Ғарб ва Шарқнинг урф-одатлари, анъана ва маросимлари ҳам ўлкамизга кириб кела бошлаган. Глобаллашув тенденцияси ана шу тарзда юзага келган.

Глобал муаммоларнинг келиб чиқиши, мавжудлиги ва ҳал этилиши зарурияти инсоният жамияти янги цивилизациявий сифат ўзгаришини тақазо

¹ Шамсиева И. “Ёш авлод маънавий ривожига интернетнинг таъсири ва ахборот психологик хавфсизлик муоммоси”. “Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари” журнали №1, 2007, 172-бет

этнода. Бу жараённинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун, унинг жадалилик ҳолати кўлами ва миқёсига эътибор бериш зарур. Зеро, ўнлаб ва ҳатто юзлаб йиллар давомида ўзгармасдек бўлиб кўринган ижтимоий муносабатлар ғоят қисқа вақтда тубдан ўзгармоқда. Бу ҳол кишилар ижтимоий ҳаёти катламларининг барча бўғинларида кишилар турмуш тарзида баралла кўринмоқда. Кўламига кўра, бу жараён бирон минтақани четлаб ўтмаган.

Муҳими шундаки, глобал ҳодисалар муайян жамиятлардаги кишилар ва айниқса, ёшлар маънавиятига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Бугунги кунда маънавий соҳада бошқа давлатларга кўпроқ таъсир ўтказаяётган давлатлар маънавиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг маънавияти таъсир ўтказилаётганларникидан бойроқ эмас. Масалан, Ғарб давлатлари маънавий соҳада ҳам Шарққа ҳозир кўпроқ таъсир ўтказмоқда. Уларнинг юриш-туришидан тортиб кийинишигача Шарқдан кириб келмоқда. Лекин, бундан Ғарб давлатлари маънавий соҳада Шарқдан бойроқ деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Хўш унда сабаб нима?

Маънавий жиҳатдан Ғарбдан қолишмайдиган Шарқ нима учун кўпроқ таъсир ўтказиладиган минтақага айланиб қолди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий таъсир ўтказиш учун иқтисодий жиҳатдан бой бўлиш керак. Бироқ, маънавий таъсир ўтказиш учун маънавий бойликнинг ўзи кифоя қилмас экан. Масалан, дунёда энг қадимги тамаддунлар ўлкаси бўлган Ироқ кейинги ярим аср давомида, глобаллашув жараёнида узоқ мамлакатлар у ёқда турсин, ён атрофдаги мамлакатларга ҳам сезиларли таъсир ўтказа олмади. Маънавий глобаллашув жараёнларини ўрганар эканмиз, маънавий таъсир ўтказишнинг муҳим шарти маънавий фаоллик деган хулосага келдик¹.

Мамлакат бой-маданий тарихга эга бўлса-ю, ҳозирги авлод ўша маънавий бойлик ва анъаналарни ўзлаштирмаган бўлса, у мамлакат маънавий таъсир субъекти бўла олмайди ва объектлигича қолади.

¹ Бекматов А. “Глобаллашув, миллий анъаналар ва ёшлар тарбияси. Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш – Ватан тинчлиги ва ҳафвсизлигини мустаҳкамланиш муҳим омили” мавзусидаги Республикага илмий-амалий анжуман материаллари Тошкент-2004 йил, 67-68 бетлар.

Демак, глобаллашув жараёнида цивилизациялараро мулоқот ўсиб бораётган бир шароитда ёшлар маънавиятини юксалтиришда замонавийлик билан тарихийликнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш яъни техника, технология, ахборот коммуникациялари ютуқлари асосида ёшлар тафаккурини бойитишнинг аждодлар маънавий мероси неъматларидан ўзаро алоқадорликда фойдаланиш кўникмаларини уларда ҳосил қилиш зарур. Таъсуфки, бугун ёшларимизнинг аксарияти глобаллашув туфайли Европа ва хорижий маънавий-маданий оқимлар таъсирига кўпроқ иштиёқманд бўлиб, миллий маънавиятимизнинг ҳаётбахш юксак ахлоқийликка асосланган тамойилларига ихлосмандлиги суст кечмоқда. Инсон қадри, маъсулияти, ахлоқига беписандлик уларнинг баъзи бирларнинг кийиниши, феъл-атвори, юриш-туришида яққол кўзга ташланиб қолмоқда.

Ўзгаришларга қанчалик қаршилиқ кўрсатилмасин, улар бари бир ҳаётимизга кириб келаверади. Айниқса, глобаллашув жараёнидан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланувчи кучлар бор экан, бу ўзгаришлардаги салбий жиҳатлар ҳам кучайиб боради. Бинобарин, глобаллашув жараёнининг асосий субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари манфаатларига ҳизмат қиладиган бундай саъий-ҳаракатлардан кўзланган мақсад миллий манфаат ва қадриятларга таянган анъанавий тафаккур тарзига зарба бериб, бутун дунёда ғарбона андозаларга асосланган, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий жиҳатдан ягона тамаддун ҳукмронлигини ўрнатишидан иборат. Бундай саъй-ҳаракатларнинг ҳатарли жиҳати шундаки, унинг бошқа тамаддунлар, халқлар ва давлатлар учун қандай оқибатлар келтириб чиқариши, масалан, яқиндагина мустақилликка эришган мамлакатларнинг миллий манфаатлари, анъана ва қадриятларига қай тарзда таъсир этиши мумкинлиги глобал ҳукмронликка интилаётган кучларни у қадар ташвишлантирмайди¹.

¹ Умаров Б. “Ғарб тамаддуни: инкироз аломатлари”. “Тафаккур” журнали, 2/2007 йил, 16-бет.

Ана шундай глобал таъсирлар халқаро телекоммуникациялар, интернет тизими орқали ёшларимиз маънавиятига салбий таъсир этаётганлиги бугунги кунда исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Шу кунгача «Эркин ахборот оқими» борасидаги гаплар, деб ёзади «Туркистон» газетаси мухбири Н.Абдуллаева кўпчиликини ўзига мафтун этарди.

Бу оқим маданиятимизга, қадриятларимизга маънавиятимизга қаттиқ таъсир ўтказганини энди кўраяпмиз. Яқин кунларгача бизнинг телеканаллар Лотин Америкаси ёки Ғарб телесериаллари билан лиқ тўла эди. Сериаллардаги, рекламадаги ҳар бир кадр телетомошобинга ахборот етказди. Уни қандай қабул қилишни эса томошабинга буюра олмайсиз. Яқинда Россия каналларининг бирида марокашликлар ҳаёти билан боғлиқ сериал берилган эди, сериал қахрамони Жади каби пешонадан чандиб рўмол ўраш ва катта зирак тақиш мода бўлди. Ўзингиз ўйланг 5 йил олдин ким ўйлаганди, ўзбек кизлари қорнини очиб юради деб?

Интернетдан ўрин олган кўп сонли порнографик сайтлар олдида эса бу ахборот ҳали ҳолва!¹

Глобаллашув ўзининг таъсирини барча соҳаларда ўтказмоқда. Бу ўзгаришлар саломлашишдан тортиб, соч турмақлашгача, кийинишдан тортиб ўзини тутишгача бўлган соҳаларда кўзга ташланмоқда.

Глобаллашув жараёнида миллий анъана ва маросимларда, кийиниш, хулқ-атворда юз бораётган ўзгаришларни баҳолаш мураккаб жараён. Берилаётган баҳоларнинг тўғри ёки нотўғри эканини вақт кўрсатади. Ушбу ҳодисани миллий маънавиятимиз, ёшларимиз дунёқараши, маданиятига маънавий-руҳий оламига таҳдид солмаслиги учун ана шу маънавиятимиз негизи бўлган таянч қадриятларни аниқлаб олишимиз ва уларни фақат муҳофаза қилиш эмас, бойитиш, ривожлантириш тўғрисида қайғуришимиз керак.

¹ Абдуллаева Н. «Интернет «Жиддий ўйинчокми?». «Туркистон» газетаси 2006 йил 15 май № 21 (14933).

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, «Ёшларимизни «тайёрига-айёр» кайфиятидан озод этишимиз яъни, уларни интернет тармоқларидаги тайёр берилаётган манбалардан ҳеч бир мулоҳаза қилмай фойдаланишдан, илм олиш, ўқиш, изланиш машаққатига жалб этишимиз, мумтоз адибларимизнинг асарларидан ўқиб фойдаланишга ўргатишимиз зарур. Бинобарин, бугунги кунда ёшларимиз ёстиғининг тагига китоб қўйиб ухлаш, уни ўқиб тугатиб, мазмунини чақишига интиқ бўлиб яшаш кўникмасига жуда озчилиги эга бўлган бўлса бордир, аммо, кўпчилик эмас. Глобаллашув жараёнининг салбий ҳолатларидан сақлашнинг яна бир муҳим омили халқ донишмандлиги, ҳикматлар мазмунини ёшлар руҳиятига сингдириш билан боғлиқ.

Чунки, ҳикматлар ёшларни маънавий дунёсини бойитиб, руҳини поклайди.

Хавф-хатарларга жиддий разм соладиган бўлсак, мустамлакачилик сиёсати, бировларни қарам қилиш сиёсати янги асрда йўқолмаганини, балки ўзининг шаклу шамойилини ўзгартирганини тушуниб етамиз¹. Дарҳақиқат, «Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар»².

Аслида, суверенитет давлат миқёсида олий ҳокимиятга эгаликни, ташқи ва ички сиёсатни олиб боришдаги тўла мустақилликни англатади. Айнан суверенитет муайян давлат мустақиллигининг бирламчи шарти ва белгисидир. Бу эса суверенитетнинг қисман ёки чекланган шаклда мавжуд бўла олмаслигини англатади. Чунки суверенитет давлатнинг бошқа давлатларга тобе бўлмай, қарам бўлмай яшабини, ўзга кучлар томонидан бошқарилмай, бировларнинг иродасига бўйсунмай, мустақил ҳаёт

¹ Аббосхўжаев, Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишув. – Тошкент, «Академия», 2007. 14-15-бетлар.

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2000, 3-бет.

кечиришини назарда тутати. Муҳими, давлат суверенитетининг ўрнатилиши мамлакатлар ўртасида тенглик қарор топишини шартлаб қўяди ҳамда мутелик, ўзгалар ҳисобига яшаш, турли камситишлар, ортиқча таъзим-тавозега йўл қўймайди. Давлат суверенитети мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклини, унинг камситувчи табиатини, у тақозо этадиган зўравонликларни инкор этади¹.

Гарчи бутун дунё мамлакатлари ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик жаҳон ҳамжамияти тараққиётининг табиий ва зарурий шарти ҳисобланса-да, айрим мулоҳазалар ва хатти-ҳаракатларда ҳамон империяча фикрлаш таъсирини, давлатлар суверенитетини емириш истагини илғаш қийин эмас.

Глобаллашув жараёнларини таҳлил қилган олимлар бу жараёнларда давлатнинг ролини турлича баҳолайдилар. Айрим назарияларда глобаллашув жараёнида давлатнинг роли тобора пасайиб бориши уқтирилса, бошқаларида унинг ўрни ва аҳамияти ўзгармайди, деб таъкидланади. Яна бир гуруҳ олимлар эса глобаллашув шароитида давлат билан давлатлараро ташкилотлар ўртасида сиёсий ҳокимият қайта тақсимланиб, давлат уларга ўз суверенитетининг бир қисмини беради², деган фаразларни илгари сурмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан эътироф этилганидек, «Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатдан қайтариш, кимгадир қарам қилиш мақсадида четдан туриб ички ишларимизга аралаштириш, турли ниқблар остида бизга қарши тазйиқ ва зўравонлик ўтказиш сиёсатини мутлақо қабул қилмаймиз»³.

Таассуф билан тан олиш керак, диний ақидапарастлик ва терроризм, «демократияни олға силжитиш»га уринишлар, ахборот хуружлари, ғарбона турмуш тарзини тикиштириш, маънавий қашшоқлаштириш ҳаракатлари, буюк давлатчилик тафаккури ва империяча фикрлаш хуружлари давлатимиз суверенитетига жиддий хавф туғдирмоқда. Ҳа, гегемония дунё каби қўҳна.

¹ Аббосхўжаев, Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишув. – Тошкент, «Академия», 2007. 16-бет.

² Удовик С.Л. Глобализация: семиотические подходы. – М., «Ваклер», 2002, с. 389.

³ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият.//Халқ сўзи, 2005 йил 8 декабрь.

Бироқ бугунги кунда ҳудудларни ҳарбий куч билан забт этиш ўрнига жаҳонда етакчилик қилишнинг ноанъанавий усуллари, анча замонавийлаштирилган, бирмунча маданийлаштирилган усуллари кенг урф бўлмоқда. Дунёга ҳукмронлик қилишнинг энг осон ва қисқа йўллари излаётган кучлар тинчликни олий неъмат деб биладиган, сахий замини табиий бойликларга тўла, халқи соддадил ва меҳнаткаш Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига олишга интилаётганлигини пайқамаслик мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мустақилликни асраб-авайлаш, химя қили шва мустаҳкамлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Ҳозирги воқеликда миллий истиқлол ғояси ва ёт мафкуралар орасидаги муносабатлар мафкуравий кураш, мафкуравий қарши туриш, психологик уруш шаклларида кечмоқда. Ёт мафкуралар мафкуравий курашларнинг минг йиллик услубларини, шунингдек, замонавийлаштирилган услублари: ахборот майдонини эгаллаб олиш; мафкуравий диверсия, сиёсий индоктринация, мафкуравий инфилтрация, дезориентация, мафкуравий кўпоровчилик ҳаракатларини қўллаш орқали халқимизда Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишончсизлик уйғотишга, давлат сиёсатини обрўсизлантиришга, одамларнинг ўзини Ватан, миллат ҳимоясидан четга тортишга, лоқайдликка эришишга интиладилар. Бунда улар бирор хусусий фактни умумлаштириш (экстраполяция), ёлғонни ҳақиқатга ўхшатиб тасвирлаш, кичик муаммодан катта ёлғон яшаш, бир нарсани такрорлайвериш, туйғуни ақлдан устун қўйиш, тингловчининг шахсий манфаатни биринчи ўринга қўйиб, (унга дўст бўлиб кўриниш) «ҳасратлашиш», ҳукуматларни халқларга ёмон кўрсатиш, миллат душманларига раҳмдиллик, ҳамфикрлик туйғуларини уйғотиш, масалан одамларга таниш, қадрдон маълумотларни ишлатиб, (фалон жойда фалон воқеа бўлди), деб ростга ёлғонни улаб юбориш услубларидан мафкуравий курашда фойдаланаяпти.

Ҳар қандай жамият бундай маккор таҳдидларни енгиши учун ўзида огоҳлик, мафкуравий хавфсизлик, тўқислик, жанговарлик, сафарбарлик,

умуммиллий бирлик каби ижтимоий сифатларга эга бўлиши керак. Бунинг учун миллий истиқлол мафкурасининг ёт мафкураларга қарши кураш услублари, жумладан, бузғунчи ғоялар моҳиятини фош қилишга қаратилган тарғибот, мафкуравий мониторинг ва таҳдидлар моҳиятини халқимиз онги ва калбига етказиш, жаҳолатга қарши маърифат тарқатиш услубларидан доимо ва ҳамма жойда фойдаланиш тақозо қилинади.

Мафкуравий тарбия самарадорлиги энг аввало жамиятни мафкуравий тарбиялашдан натижа қандай бўлиши керак эканлигини аниқ белгиланишига боғлиқ.

Ваҳҳобийлик ҳам аввал бошидан бошлабоқ ислом динини тозалаш, уни асли ҳолатига қайтариш, жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ҳаётидаги мавқеини кучайтириш, исломни ҳукмрон динга, давлатни эса куч ишлатиб ислом давлатига айлантириш, динни модернизация қилиш, унга янгиликлар киритишга қарши қаратилган сиёсий ҳаракат сифатида юзага келган¹.

Ёшларни ғоявий таъсир кўрсатиш йўли билан ўз сафларига тортиш масаласи ваҳҳобийлар ҳаракатида ҳамма вақт ҳам асосий ўрин олиб келди. Уларнинг қарашларига кўра, ёшларнинг бир марта ўқиган намози кексаларнинг етмиш марта ўқиган намозидан фойдалироқдир. Ислом эса ўз моҳияти жиҳатидан ижтимоий ҳаётнинг маънавий асоси бўлганлиги сабабли, ёшлар турли ижтимоий-сиёсий ғоялар ва даъватларнинг, фан ва техника тараққиётининг таъсирига берилиши мумкин эмас.

XXI асрда ҳам ғоявий тортишувлар тўхтамаяпти. Шу боис халқимизнинг эртанги мафкуравий бирлигини таъминлаш ғоявий тарбиянинг изчил, доимий асосга қўйилишини тақозо этди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки:

1. Диний ақидапарастлик ва бошқа ёт мафкуралар энг аввало ёшларнинг айрим қисмининг ғоявий-сиёсий тажрибасизлигига таянади. Ёт мафкура ва

¹ Юсупов Э. Исломий қадриятлар ва экстремизм. – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти нашриёти, 1999, 18-бет.

бузгунчи таъсирлар билан кураш мафкуравий тарбияда лоқайдлик, бефарқлик кайфиятининг ҳар қандай кўринишларига мурасизликни тақозо қилади.

2. Қарши тарғибот самарадорлигининг зарурий тамойилларидан бири - унинг тезкорлигида бўлиб, унда муайян минтақавий шароитларни, кишиларнинг ёш хусусиятларини, олий ўқув юртининг у ёки бу муддатда ҳал қила олиши мумкин бўлган мафкуравий имкониятларини ҳисобга олиш кўзда тутилади.

3. Шахснинг мамлакат ичкарисида ва ташқарисида содир бўлаётган воқеаларни мустақил таҳлил қила олиши, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлайди.

Чунки мафкуравий таҳдид ўзининг мазмуни, тамойиллари, услублари ва шаклларига кўра мураккаб ҳодисадир. Унга: Мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётий ютуқларини далил-исботсиз атайлаб қоралаш, мустақилликка эришган мамлакатларнинг ҳаммасида бор бўлган умумий муаммоларни «фақат Ўзбекистонда бор» деб талқин қилиш, эришилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ютуқлари моҳиятини, ҳукуматимизнинг ташқи ва ички сиёсатини сохталаштириш, бузиб кўрсатиш; айрим мамлакатлар турмуш тарзи, сиёсий тизимини бир ёқлама кўкка кўтариш; миллий ғояларимизни обрўсизлантириш; кўп миллатли Ўзбекистонда аҳоли ўртасида ижтимоий ҳамкорликни бузишга қаратилган кайфиятларни тарқатиш ва низолар келтириб чиқаришга уриниш; одамларнинг диний туйғуларини жунбушга келтириш, диний ёвқарашни пайдо қилиш каби йўналишлар ҳосдир.

Ёт мафкуралар тарғиботининг «меҳрибонлиги», «холислиги» ва «бетарафлиги», «ёқимлилиги», «дўстоналиги»нинг ортида нима ётганини доимо билишлари лозим. Яъни уларнинг замирида Ўзбекистоннинг ривожланиб кетишига қараб мунтазам тактикасини ўзгартириб турувчи жонсарак ақидапарастлик тарғиботи натижаси ва амалиёти ётганини, уларнинг анъанавий фундаменталистик назария ва ғояларни замонавий усулларда «жонлантираётганини» тушуниш зарур.

Хулоса

Глобаллашув ҳақиқатда инсоннинг нафақат моддий ҳаёт тарзига, шу билан бирга маънавияти, руҳий оламига ҳам сезиларли таъсир ўтказмоқда. Ҳар куни виртуал маконда бир неча миллиондан зиёд ахборот ресурсларининг пайдо бўлиши, унинг ҳосили ҳар дақиқа сайин ўсиб бораётганидан далолат беради. Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг инсоният маданиятига туғдираётган хавф-хатарлари тўғрисида сўз юритишга тўғри келади. Бу нохуш ғайриинсоний ҳолатлар муайян кучларнинг глобал тармоқнинг ахборотларни сифатли ва тез узатиш ҳамда тарқатиш бўйича имкониятлардан фойдаланиш орқали жамоатчилик фикрини тўғри йўлдан буриш, ўзлари тарғиб этаётган нопок ғоя ва манфаатлар томон йўналтириш учун уларга ахборот етказиш борасида олиб бораётган ҳаракатлари билан боғлиқдир. Сўзсиз, бундай таъсирга интернет аудиториясининг энг фаол, энг кўп қисми тафаккури етилиб, дунёкараши пухта шаклланиб улгурмаган ёшлар берилувчидир.

«Юксак маънавият - енгилмас куч» асаридада иллат сифатида очиб берилган, бартараф этилиши лозимлиги уқтирилган ҳодисалардан яна бири — лоқайдликдир. Президент И.А.Каримов фикрича, бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўрқиш керак. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш учун ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси инсон, жамият тараққиёти ва уни янгилашга интилиб яшаши, маънавий ҳаётимизни турли таҳдид ва хуружлардан ҳимоялаш йўлида ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб олиши лозим.

Таъассуфки, ана шундай жиддий муаммони мукаммал ва тизимли ўрганишга етарли эътибор берилмаяпти. Глобаллашувнинг миллий маънавиятимиз, анъана ва маросимларимиз, ёшларимиз тарбиясига ўтказётган таъсирини ўрганишга эса ҳали киришилганича йўқ. Бу соҳадаги хулосалар «Сериаллар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир ўтказмоқда»,

«Уятсиз эпизодларни телевиденияда кўрсатмаслик керак», деган умумий гапдан нарига ўтмаяпти. Ғарб мамлакатлари телевидениесигина эмас, атрофимиздаги баъзи мамлакатлар телевидениесида ҳам кўрсатилаётган ёки Ғарбдан трансляция қилинаётган дастурларга солиштирсак, телевидениемиздаги ўта беҳаё деб аталаётган кўрсатувлар жуда беозор ва рисоладаги кўринади. Бу ҳолат ўта беҳаё дейилаётган кўрсатувларнинг янги тўлқинини кутишимиз кераклигини англатади. Маънавий глобаллашув хориждан фақатгина ўшандай беҳаё томошаларнинг кириб келишини билдирадими? Бу саволга жавоб топишимиз учун маънавият соҳасидаги глобаллашувнинг тарихига ва моҳиятига назар ташлашимиз лозим.

Президент И.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни ёш авлод онгига сингдиришнинг уч табарруқ маконига алоҳида эътибор қаратади: уларнинг биринчиси – оила, иккинчиси – маҳалла, учинчиси – таълим-тарбия тизими. Агар шу уч маконда маънавий муҳит кўнгилдагидек бўлса, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади, агар улар таназзулга қараб кетса, бутун жамият ҳалокатга юз тутди. Афсуски, муайян сабабларга кўра бугунги кунда ҳар уч маконда ҳам муаммолар анча-мунча йиғилиб қолган. Китобда оила маънавий муҳитига алоҳида эътибор ажратилган. Баъзи ота-оналарнинг ўсиб келаётган ёш фарзандларининг қизиқиш ва интилишларига, уларнинг “онгу тафаккурида ҳар куни бир ўзгариш юз бериб, кўзида янги-янги саволлар пайдо бўлаётганига” жиддий аҳамият бермаслиги, боз устига баъзи ота-оналар бола олдида ўзини тутишни билмай, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўрнатилган бўлиш ўрнига аҳли оиласига қўпол муомала билан фарзандлари руҳига салбий таъсир кўрсатиши, ҳатто баъзи оилаларда боланинг маънавий оламида оғир асоратлар қолдириши мумкин бўлган ўзгалар бахтини кўролмаслик, фисқу фасод, ифво муҳити ҳам мавжудлиги таассуф билан қайд этилади ва шундай хулоса қилинади: “Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, иқбол ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиладаги, балки маҳалла-қуйдаги одамларнинг хатти-

ҳаракати ҳам боланинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур.” Президентимиз И.А.Каримов ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни яхшилаш ҳақида бош қотирар экан, яна бадиий сўз қудратига мурожаат қилишни маслаҳат беради. Мумтоз адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”ида тасвирланган ўзбек оилаларига хос одоб ва ахлоқ намуналарини ибрат қилиб кўрсатади. Ўзбек халқининг азалий болажонлиги, оилапарварлигини ифтихор билан таъкидлар экан, муаллиф бундай эзгу туйғулар фарзандларни “ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш” йўлида сарфланиши лозимлигини алоҳида уқдиради.

Ҳар қандай ахборот хуружлари ахборот қуроллари орқали амалга оширилади. Ахборот хуружларининг энг ёвуз ва таҳликали шакли кишилар онгига ғоявий ва мафкуравий таъсир ўтказишдир. Ана шунинг учун ҳам Юртбошимиз И.А.Каримов «Мафкуравий полигонлар ядро полигонларидан қудратлидир» деган фикрини ўртага ташлаган эди.

Ахборот хуружларининг бугунги кундаги намоён бўлиш хусусиятлари ўзининг тарихий ўтмишига ҳам эга. Эндиликда ахборот хуружларидан кўзланган асосий мақсад, муайян кучларнинг кишилар онги ва қалбига таъсир этиш орқали ўзларининг сиёсий мақсадларига эришишга уриниш билан боғлиқ бўлиб қолди. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ахборот ресурс марказлари манбаларидан, телевидениедан ғоявий тарбия минбари сифатида фойдаланиш, сайлов жараёни билан боғлиқ сиёсий технологиялар ва тарғиботларнинг самарадорлигини мунтазам ошириб бориш, кишиларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш асосида уларнинг ахборот хуружларига қарши кураша олиш малакаларини юксалтириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т. «Ўзбекистон», 2010.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка, таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. - Т.: «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Жамият мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. Т.7.- Т.: «Ўзбекистон», 1999.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. - Т.: «Ўзбекистон», 2000.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000.
7. Каримов И.А. Эғали юрт эркини бермас. Т.9. - Т.: «Ўзбекистон», 2001.
8. Каримов И.А. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига сўз боши. Т.9. - Т.: «Ўзбекистон», 2001.
9. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: «Ўзбекистон», 2003.
- 10.Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: 12. -Т.: «Ўзбекистон», 2004.
- 11.Каримов И.А. «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ». Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқ. Т., «Ўзбекистон», 2004 йил, 29 апрель.
- 12.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т.: «Ўзбекистон», 2005.
- 13.“Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йилда

- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий Ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Ўзбекситон овози” газетаси 13 февраль 2007 йил. 19 (27.664)-сони.
14. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008.
 15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ва уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг чоралари ва йўллари – Т., Ўзбекистон, 2009.
 16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябридаги қўшма мажлисида қилган маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т, 2010 йил 12 ноябрь.
 17. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т., Ўзбекистон, 2011.
 18. Абдуллаева Н. “Интернет «Жиддий ўйинчокми?”. “Туркистон” газетаси 2006 йил 15 май № 21 (14933).
 19. Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар. – Т., Академия, 2008.
 20. Бекматов А. “Глобаллашув, миллий анъаналар ва ёшлар тарбияси. Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш – Ватан тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамланиш муҳим омили” мавзусидаги Республикага илмий-амалий анжуман материаллари Тошкент-2004 йил, 67-68 бетлар
 21. Бекмуродов А.Ш. Маънавий-маърифий фаолият: устувор масалалар ва инновациялар. -Т.: ТДИУ, 2005.
 22. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрирда). Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т., 1998 йил.
 23. Глобаллашув ва ахборот хуружи мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т., 2007.

24. Диний экстримизм ва фундаментализмнинг бугунги кундаги хавфи (Умумий ўрта таълим ўқитувчилари учун методик қўлланма). – Т., 2004.
25. Дўстмуҳаммад Хуршид. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. – Т., Ўзбекистон, 2005
26. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. - Т.: Маънавият, 2000.
27. Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. -Т.: «Маънавият», 2000.
28. Закурлаев А. Ғоялар кураши. – Т., Мовароуннахр, 2000.
29. Имомназаров М., Лафасов М. Маънавият асослари (ўқув қўлланма). – Т., 2008.
30. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари (ўқув қўлланма). – Т., Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2006.
31. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тарқатма материаллари. – Т., 2010.
32. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. – Т., Академия, 2008.
33. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, -Т.: «Янги аср авлоди», 2001.
34. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқача изоҳли тажрибавий луғат)» Т., «Янги аср авлоди», 2002.
35. Раҳимқулов А. Иймонингни йўқотма. Мулкдор, 1998 йил 20 февраль.
36. Раҳматов О. Огоҳлик – муқаддас бурч. – Т., Мовароуннахр, 2000.
37. Саифназаров И., Каримов Т.: Мухторов А. Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги терроризмга қарши қафолатдир. -Т.: «Янги аср авлоди», 2004. - 56 б.
38. Умаров Б. “Ғарб тамаддуни: инкироз аломатлари”. “Тафаккур” журнали, 2/2007 йил, 16-бет.
39. Шамсиева И. “Ёш авлод маънавий ривожига интернетнинг таъсири ва ахборот психологик хавфсизлик муоммоси”. “Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари” журнали №1, 2007.
40. Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги терроризмга қарши қафолатдир. – Т., Янги аср авлоди, 2004.

- 41.Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси
Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005.
42. Юсупов Э. Исломий қадриятлар ва экстремизм. – Т., Тошкент
тўқимачилик ва енгил саноат институти нашриёти, 1999.
- 43.Ҳалилов Ҳ. Лоқайдлик гирдоби. Адолат, 1998 йил 27 март.

Қуйидаги интернет сайтларидан фойдаланилди

1. [www. gov. uz](http://www.gov.uz)
2. [www. press - service. uz](http://www.press - service. uz).
3. www. bilim. uz.
4. www. philosophy.ru.
5. www. filosofiya.ru.
6. www. philosophy.nsc.ru.
7. [http // philosophy.albertina.ru](http://philosophy.albertina.ru).
8. www. history.ru.
9. www. philosophy.com.
10. www. ma'naviyat.uz.